



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фаргона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

**Техник шарт**

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Қўштепа тумани Қувирбоши МФЙ ҳудудида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги ишларни бажарилиши тавсия этилади.

**Ичимлик сув бўйича**

Қўштепа тумани Қувирбоши МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 600 м<sup>3</sup> хисобланиб, уланиш нуқтаси I Қувирбоши МФЙ Шижоаткор, кўчасида жойлашган сув иншооти ҳудудида лойиха асосида 1 дона янги замонавий сув насоси ўрнатиш, 1 дона сув минораси ўрнатиш, 1 дона сувни зарарсизлантириш ускунаси, 1 дона электр хисоблагич, 1 дона бошқарув шити, 1 дона электрон сув хисоблагич, 1 дона автоматик ўчириб ёқиш ускунаси ўрнатиб, муҳофаза девори билан ўраш лойиха ва гидравлик хисоб китобларига асосан Шижоаткор, Кўксарой, Сайилгоҳ, Сармозор кўчаларига 4 км ичимлик суви қувири тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш, қурилиш монтаж ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ  
Қўштепа тумани бўлими бошлиғи

Бош муҳандис:



Б.Тўхлибоев

Ғ.Тўхтасинов